

XXI аср сақоси

Барча манбалардан олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

- **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов** Оқсаройда АҚШ давлат котибининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари Алан Ларсонни қабул қилди. Сўхбат чоғида ўзаро манфаатли алоқаларни, жумладан, иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.
- **Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судида** «Шартнома интизом — иқтисодий тараққиётнинг муҳим омил» мавзусида амалий анжуман бўлиб ўтди.
- **Илгари хабар қилганимиздек**, пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуида ўтказилган республика улуғржи оқибат махсулотларининг савдо-кўргазмаси якунида 3 мингга яқин хилдаги махсулотларни 2003 йилда етказиб бериш ҳақида шартномалар имзоланди. Бундан буён шундай ярамқар ҳар йили ўтказилади бўлди.
- **Асқарда** 4,5 минг ўринга эга бўлган катта савдо мажмуи очилди.
- **Жиззах вилояти** маданият марказида журналистика фахрийлари билан ёшларнинг учрашуви бўлиб ўтди.
- **Кечя** мамлакатимизда бир ой давом этган Ёнги хавфсизлиги ойлги пойнига етди.
- **Бугун** мамлакатимиз пойтахтида ҳаво ўзгариб турди, ёнгиғарчилик бўлмади. Эрталаб туман тушди. Шарқдан сониясига 5-10 метр тезликда шамол эсди. Кундузи ҳаво ҳарорати 2 даража атрофида совуқ бўлди.

Жаҳонда

- **Россия Федерацияси Президентининг Фармони**га кўра, Чеченстонда Конституция лойиҳаси бўйича, Президент сайловлари ва Чеченстон парламенти тўғрисидаги қонунларнинг лойиҳалари бўйича референдум ўтказилади.
- **Шу йил**тача мамлакат молия вазирлиги вазифасини бажариб келган Тони Роп Словениянинг янги Бош вазир этиб сайланди. Мутахассислиги бўйича иқтисодчи бўлган, шу ойда 42 ёшга тулган янги Бош вазир сўнги йилларда мамлакат молия вазирлигини бошқариш билан бирга Словения Либерал-демократик партияси раисининг ўринбосари вазифасида ҳам фаолият юритиб келди.
- **Венгриянинг** етакчи сиёсий партиялари мамлакатнинг Европа Иттифоқи таркибига кириш-кирсислиги борасида бир тўхтама қелдилар. Мамлакат парламентининг тўртта фракцияси вакиллари шу масала бўйича 2003 йил 12 апрелда умумий референдум ўтказишга қарор қилишди. 2004 йилнинг ўрталарида Венгриянинг Европа Иттифоқиға аъзо бўлиб кириши кутилмоқда.
- **Оқ уй** маъмурияти АҚШ ҳудудида террорчилик ҳаракатлари содир этишга тайёрларлик қилинаётгани ҳақидаги маълумотларни йнгиш бўйича шуғулланувчи яна бир разведка муассасаси ташкил этиш масаласини кўриб чиқиши лозимлиги ҳақида АҚШ конгрессининг махсус комиссияси маълум қилди. Шунингдек, комиссия миллий разведка директориғи лавозимини жорий этиш тилиғини ҳам илгари сурди. Маълумотларга қараганда, унга нафақат Марказий разведка бошқармаси, шунингдек ҳарбий разведка ҳам бўйсунди.
- **Америка** ҳуқуқшунослари АҚШдаги махсус хизмат вакиллари 2001 йил 11 сентябрдаги ақваллардан хабардорлигини, деган савол бўйича бир тўхтама қелдилар. Улар қўлаб ҳужжатларни синчиклаб қўздан кендиришган, АҚШ махсус хизмати мамлакатга қарши тайёрланаётган террор актдан хабардор бўлмаган, деган ҳулосага келди.
- **АҚШ** мудоғара вазирлиги Дональд Рамсфелд қилинаётган ҳаракатларнинг кейинги босқичи тўғрисида қарор қабул қилишдан аввал Ироқдаги халқаро инспекциянинг натижаларини кўтириш зарурлигини айтди.
- **АҚШ Президенти** барча америкаликлар ихтиёрий равишда чечакка қарши эмланиши учун имконият яратиш лозимлигини ўқтирди. Шу йул билан биотерор хавфидан ҳар бир америкалик ўзини муҳофаза этиши мумкин, деди Жорж Буш ABC телеканалда сўзга чиқиб. Аҳолини чечакка қарши оммавий эмлаш ишларини эса тахминан 2004 йилдан бошлаш кўзда тутилмоқда.
- **Камбоджа** ҳукумати ўтган асрнинг 70-йилларида қизил кхмерлар томонидан амалга оширилган геноцид (ирқий, миллий ёки диний вақ билан аҳолининг бирор тоифасини қиришга қаратилган сиёсатни) текшириш учун халқаро трибунал тузиш юзасидан БМТ билан музоқара олиб боришга розилик билдирди. Демак, шу йил февралда тўхтаб қолган музоқаралар яна давом этади.
- **Европа** тараққиёт ва ривожланиш банки 2000 йилнинг августидан рўй берган ёнгидан талафот қўрган Останкино телеинформасидаги таъмирлаш ишларини ниҳосига етказиш учун Россияга 14 миллион доллар ажратадиган бўлди.
- **Россия** жорий йилда ҳарбий мамлакатларга 4 миллиард доллардан зиёд ҳажмда қўрол-яроғ ва ҳарбий техника сотди.
- **Хозирги** вақтда Москвада бир миллионга яқин нақонуний ҳоримий ишчилар турибди. Уларнинг 85 фоизга яқинини Вьетнам, Хитой, Украина фуқаролари ташкил этади.
- **Жанубий** Кореянинг «Ренхал» ахборот агентлиги Корея Халқ Демократик Республикасининг расмий баёнотиға асосланиб хабар беришича, КХДР ўзининг ядро қорхоналари ишини тўхташига қарор қилди. Негаки, айнан шунга талаб қилиб Жанубий Корея маъмурияти ёнги ресурслари етказиб беришни қисқартирган, уни эса АҚШ ҳам қўлаб-қувватлаган эди.
- **Ироқ** ҳукумати Россиянинг «ЛУКкойл» нефть компанияси билан тузган Фарбий Курнадаги жуда катта (бир йилда 30 миллион тонна нефть қазиб олиш мумкин) нефть-газ қонини ҳамкорликда қазиш ҳақидаги шартномани бекор қилди. Фарб экспертларининг айтишича, мазкур қон Ироқ ҳудудида топишган энг катта қонлардан биридир. Уни ишга тушириш учун 1997 йили Россия-Ироқ қўшма қорхонаси ташкил этилган эди.
- **Халқаро** ақсилтеррор коалицияси таркибига Ҳинд океани хавзасини қўриқлаётган Испания ва АҚШ ҳарбийлари томонидан қўла олинган «Со-Сан» савдо кемаси қўйиб юборилди. Кемадаги баллистик ракетага Яман ва Шимоллий Корея ўртасидаги ақдлашуға мувофиқ олиб кетилаётгани маълум қилинган, шундай қарорға келинган.
- **Япония** илмий тадқиқотлар ўтказиш учун мўлжалланган бортида 4 та йўлдоши бўлган ракетага учирди.
- **Тбилиси**да америкалик инструкторлар томонидан тайёрланган махсус батальоннинг дастлабки битирувчиларини тантанали шарафлаш маросими ўтказилди. Бор-йўғи бир ярим йил мобайнда америкалик мутахассислар тўртта батальонни ўқитишлари керак.
- **Афина** шаҳрида Греция Маданият вазирлиги томонидан ташкилланган пианиночиларнинг VIII халқаро «Konzeftum-2002» танловида ўттиздан зиёд мамлакатнинг еттидан ўттиз олти ёшча бўлган вакиллари қаторида Ўзбекистонлик эндиғина 9-10 ёшга кирган ўқувчилар ҳам иштирок этишди. Успенский номидаги Республика мактаб-интернатининг ёш пианиночилари Нонна Гудеева танловнинг иккинчи мукофот соҳибаси бўлди, Аббор Раҳматов учинчи ўринни эгаллади.
- **Буюк** Британиянинг футбол бўйича доғддор нашрлари сирасига кирувчи «Уорлд Соқкер» журналы ўқувчилари орасида ўтказилган сўров натижасига кўра, футбол бўйича Бразилия терма жамоаси ва Мадриднинг «Реал» клуби ҳужумчиси Роналдо жаҳоннинг энг яхши футболчиси, деб топилди. Йилнинг энг яхши жамоаси унвони кутилганидек Бразилия терма жамоасига теғди.

ТАДБИРКОРЛИК

Тадбиркорлик билан шуғулланиш бугуннинг асосий талаби эканлигини аналган «Фотон» хиссадорлик жамиятида сифатга муҳим эътибор қаратишмоқда. Қорхонанинг махсулотлари ички бозорда ўз ўрнига эга бўлиш билан бирга, хорижда ҳам буюртмалар сони ортиб бормоқда.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

«Интернет» орқали буюртмалар

Қорхонада ҳозирги кунда асосан рақобатбардош, экспортга мўлжалланган махсулотлар тайёрланмоқда. Жумладан, 2001 йилда режага нисбатан 104,8 фоиз махсулот ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилнинг ўтган ойлари давомидаёқ бу кўрсаткич 112,6 фоизга етди. Қорхонада ишлаб чиқарилаётган назорат кассаси машиналари, ярим ўтказгич асбоблари, қувватли тежовчи лампалар, FT русумли оқ-қора ва рангли телевизорлар харидорлиғи билан ақрбили туради. Лицей ва касб-хунар коллежлари учун тайёрланаётган техник ўқув қўлланмалари ҳам миқозлар диктат-эътиборида. Мамлакатимиз халқ ҳўжа-

Қисқара

- **МИЛЛИЙ** матбуот марказига йнгирилган иқтисодиёт соҳасида қалам тебратётган журналистлар учун мутахассисларнинг иқтисодиёт янгиликлари ҳақидаги маърузалари уюштирилди.
- **«ЭКОСАН»** халқаро жағмармасида нодавлат ташкилотлари вакиллари иштирокида ўтказилган анжуман «Надавлат ташкилотлари — барқарор ривожланиш йўлида» деб номланди.
- **ЧИЛОНЗОР** туман прокуратурасида ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари иштирокида бўлиб ўтган йнгилиш маҳалларда нақонуний иштикомат қилаётган фуқароларни аниқлаш, аҳоли оқоийш-таллиғини асраш масалаларига бағишланди.
- **ЎЗБЕКИСТОН** тижорат омонат халқ банкда ўтказилган йнгилишда ҳар бир омонатчиға банк хизмати сифатини яхшилаш мақсадида 10 дан ортқ омонат турлари, жумладан «Кадрият» деб номланган янги омонат тури жорий этилганлиги маълум қилинди.
- **«СЕРТИФИКАТ-НОН»** ақциядорлик жамиятида қамқорлик касалликларини давомлашда шифобахш восита ролини ўтовчи нон махсулотли ишлаб чиқарилганлиғига бағишланган тақдирот маросими бўлиб ўтди.
- **СЕРГЕЛИ** туман ҳокимлиғида «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жағмармаси ташаббуси билан меҳрга ташна болақонлар иштирокида уюштирилган тадбир «Бошинг тошдан бўйсин, болақон» деб номланди. **ШУНИНГДЕК**, Чилонзор туманидаги «Беғуборлик» болалар марказига тақлиф этилган саховатга ташна кичкинтойлар иштирокида хайрия тадбири ўтказилиб, уларга мутасаддиларнинг осдалик совғалари топширилди.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИДА

Яқунлар муҳокама қилинди

Тошкент шаҳар ҳокимлиғида пойтахтнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ўн бир ойлик яқунларига бағишланган йнгилиш бўлиб ўтди. Йнгилиши шаҳар ҳокими Руслан Шобабдураҳмонов бошқарди.

Қўн тартибидеги асосий масаланинг муҳокамасида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан санаот махсулотлари ҳақида халқ истезмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажми ўсиш сурьати юқорилагани, лекин шу билан бирга айрим махсулотларни ишлаб чиқариш бўйича кўрсаткичлар хусусан Мирзо Улуғбек, Собир Раҳимов ва Сергели тумани қорхоналарида пасайгани таъкидлаб ўтилди. Айнан шу туманлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини бажаришда ҳам орқада қолаётгани кузатилади.

Қорхоналарнинг ташқи иқтисодий фаолиятида, хусусан товар ва хизматлар экспортда ҳам сезиларли ўзгаришлар кутилмади. Туманлар миқёсида фақат Акмал Икромов, Юнусобод, Сергели ва Ҳамза туманларида экспорт ҳажми нисбатан таъминланган бўлса, шаҳар бўйича ушбу кўрсаткич 87,2 фоизни ташкил қилди, яъни ўтган йилга нисбатан 109,4 миллион АҚШ доллари даражасида ҳам махсулот четга чиқарилди.

Давлат даромадлари бўйича белгиланган режа кўрсаткичлари қўшилган қиймат солиғи, ақция солиғи, даромад солиғи ва айрим бошқа асосий солиқ турлари бўйича бажарилмади. Солиқлар бўйича бюджетга умумий боқиманда миқдори шу

йилнинг 1 декабрь ҳолатига 72,6 миллиард сўмни ташкил қилган бўлса, Мирзо Улуғбек, Собир Раҳимов, Ҳамза, Чилонзор ва Шайхонтоҳур туманлари «ишчи» боқимандаси умумий кўрсаткичининг 67,8 фоизига тенг бўлди.

Хизобот даври яқунлари шунга кўрсатдики, йил бошига нисбатан қорхона ва ташкилотлар қарздорлиғи юқорилаган. Жумладан, 1 ноябрь ҳолатига қўра 55 қорхонанинг 3,5 миллиард сўмлик мuddати ўтган дебитор қарздорлиғи, 65 қорхонанинг 0,2 миллиард сўмлик кредитор қарздорлиғи мавжуд. Йил бошидан буён ойлик маоши бўйича ҳам қарздорлик қўпайгани кузатилган. Бу кўрсаткич 310,8 миллион сўмни ташкил қилди. Биргина Чилонзор туманида 43 қорхона иш ҳақи бўйича мuddати ўтган қарзга эга.

Хизобот йнгилишида шунингдек назорат касса аппаратлари текшируви юзасидан мутасадди ташкилотларнинг фаолиятига эътироз билдирилди. Йил якунига қадар белгиланган кўрсаткичларга эришиш борасида инвестицион лойиҳалар бўйича теғишли ишларни амалга ошириш, шаҳарни ободонлаштириш борасида чора-тадбирларни изчил йўлга қўйиш ва бошқа долзарб масалалар устида тўхталиб ўтилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиғи матбуот хизмати.

Авал хабар қилингандек, пойтахтимизда Ўзбекистон Бадий академияси «Маданият қарвон саройини» тантанали очилиш маросими бўлди. Унда сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокими Р. Шобабдураҳмонов, маданият ишлари вазир Б. Қурбанов, Ўзбекистон Бадий академияси раиси Т. Қўзиев, Япониянинг мамлакатимиздаги Фавкулотда ва мухтор элчиси А. Каваато ва бошқалар мустақиллик йилларида Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ўзбек-япон дўстлик алоқалари янгилаш, янада юқори босқичга кўтарилганини таъкидлашди.

Ортимизнинг Япония билан ўзаро маданий алоқалари илдизи узок ўтмишга бориб тақалади. Дўстлик ришталарининг мустаҳкамланишида Буюк Ипак йўлининг ўзига ҳос ўрни бор. Шарқ ва Фарбни боғловчи ушбу қарвон йўли



«Маданият қарвон саройи» ишга тушди

қўлаб мамлакатлар қатори Қўнқар юртининг тарихида муҳим аҳамият касб этади. Унинг қорраҳасида эса айнан бизнинг заминимиз, жумладан, қўна Шош, Самарқанд каби шаҳарлар жойлашган. Янги маданият марказининг айнан пойтахтимизда ташкил этилиши ҳам Тошкентнинг нафақат миллиматимиз, балки қўлаб ўлкалар тарихида тутган ўзига ҳос мавқеига ишоради.

Мазкур маданият марказининг ташкил этилишида Токио нафис санъат ва музыка университетининг президенти Ику Хираяманинг улкан хиссаси бор. Ўзбекистон илмий маркази саналган ушбу тадқиқот марказида тарихий, археологик, таъмирлаш санъат ва бошқа қўлаб йўналишларда иланишлар олиб бориш, турли анжуманлар, тадбирлар ўтказилиши кўзда тутилган. Хозирданқ бу ерда мамлакатимизнинг жанубий ҳудуди — Кампиртепа шаҳристонидан топишган турли



(ЎЗА). СУРАТЛАРДА: «Маданият қарвон саройи»нинг умумий кўриниши; талабалар ушбу тадқиқот марказидаги тарихий, археологик, таъмирлаш санъат асарлари билан танишмоқдалар. Сергей Любич олган суратлар.

ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ УНИНЧИ СЕССИЯСИ

Илгари хабар берилганидек, 13 декабрь куни Тошкентда иккинчи чақирққ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессияси ўз ишини давом эттирди.

Парламент сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов иштирок этди.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э. Халидов бошқарди.

Сессиянинг иккинчи куни янги тахрирдаги «Банкротлик тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини кўриб чиқиш билан бошланди. Уни депутатлар эътиборига Олий Мажлиснинг Иқтисодий ислохотлар ва тадбиркорлик масалалари қўмитаси раиси М. Умаралиев ҳавола этди.

Ушбу қонун лойиҳаси бўйича Сароий тумани ҳокими П. Мадиев, «Хоразм шаҳар» очик турдаги ақциядорлик жамияти директори Қ. Ҳўжамуродов, «Наманганмевасабзавот» вилоят ҳудудий бирлашмаси раиси Н. Қурбанов, «Комплекс тематик экспедиция» очик турдаги ақциядорлик жамияти бошқаруви раиси Т. Бобоқонов, «Бухоросувқурилиш» ақциядорлик жамияти раисининг биринчи ўринбосари Э. Ҳайдаров ўз фикрларини билдирди. Парламент янги тахрирдаги «Банкротлик тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллади.

Янги тахрирдаги «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини Олий Мажлиснинг Атроф-муҳит ва табиати муҳофаза қилиш қўмитаси раиси Қ. Жумабеков тақдим этди. Қонун лойиҳаси муҳокамасида «Қизилқумнодирметаллолтин» давлат қонцерни раиси Н. Кучерский, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректори Т. Долимов, «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очик турдаги ақциядорлик жамияти бош директори Г. Прохоренко иштирок этди.

Мазкур қонун лойиҳаси муҳокамаси чоғида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов қонларни санаот йўли билан ўзлаштиришда қўшимча нодир металларни мумкин қадар тўлиқ қазиб олиш зарурлигини таъкидлади. Нодир металлардан халқимизнинг бугунги ва келгуси авлодлари фаровонлиғи учун самарали фойдаланиш мақсадида уларни ишлаб чиқишнинг узок мuddати дастури зарур. Президент, шунингдек, нодир металларни санаот йўли билан ўзлаштириш учун мамлакатимизда ўз базамизни ташкил этиш, ушбу соҳага хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун энг қўлай шартлолар яратиш, табиий бойликлардан тежаб-тергаб фойдаланиш лозимлигини таъкидлади.

Олий Мажлис янги тахрирдаги «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Қонунни қабул қилди.

Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Р. Каримов «Жисмоний шахсларнинг жағи йиллик даромадини декларациялаш тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси бўйича ахборот берди. Ушбу масала юзасидан Пахтачи тумани ҳокими Э. Уммуатов, Термиз шаҳридаги 2-ўрта мактаб директори Р. Каттаева, Республика «Мазнавият ва маърифат» маркази Хоразм вилоти бўлими раҳбари Г. Ибодуллаева ўз фикрини билдирди.

Мазкур масала муҳокамаси чоғида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов «Жисмоний шахсларнинг жағи йиллик даромадини декларациялаш тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини даромадлар устидан қўшимча назорат ўрнатувчи ҳужжат сифатида баҳоламаслик зарурлигини алоҳида қайд этди. Барча тараққий этган мамлакатларда фуқароларнинг даромадларини декларация қилиш тартиби мавжуд. Президент бу масаланинг гоят муҳим аҳамиятга эга эканини инобатга олиб, лойиҳани кейинги ўқишда кўриб чиқиш учун қайта ишлаш давомида аҳолининг баъзи қатламлари фикрини ҳақида халқимизнинг менталитетини ҳисобга олиш лозимлигини таъкидлади.

Парламент қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллади.

Олий Мажлиснинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўз ўзини бошқариш органлари қўмитаси раиси А. Саидов «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуннинг янги тахрири лойиҳаси юзасидан маъруза қилди. Олий Мажлиснинг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси котиби Ш. Умарова, Ургут тумани ҳокими Х. Нуруллаев, Муҳиддин Қориеқубов номидаги академик ва халқ-бўдиий жамоалар дирекцияси директори Ў. Саиджоновнинг чиқишларидан сўн Олий Мажлис янги тахрирдаги «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунни қабул қилди.

Олий Мажлиснинг қўмита ва комиссиялари номидан парламентнинг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси раиси М. Сафарова «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини сессия муҳокамасига тақдим этди. Депутатлар мазкур ҳужжатни қабул қилди.

Парламент иккинчи чақирққ Олий Мажлиснинг ўнинчи сессияси Котибияти раҳбари Т. Қўзиевнинг фуқароларнинг сессия давомида келиб тушган мурожаатлари ҳақидаги ахборотини тинглади.

Олий Мажлис Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Америка Қўшма Штатлари Ҳукумати ўртасидаги шахсларни Халқаро жиноий судга топширишга доир битимни, Ўзбекистон Республикаси ва Литва Республикаси ўртасидаги давлатлараро муносабатларнинг асослари, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани, Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасидаги Ўзбекистон-Қозоғистон давлат чегараси тўғрисидаги шартномани, Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасидаги Ўзбекистон-Қозоғистон давлат чегарасининг айрим участкалари тўғрисидаги шартномани ратификация қилди.

Сессия Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим Фармонлари ва Олий Мажлис Кенгашининг қарорларини тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари А. Ишметовнинг тақдиротиға кўра депутатлар Ф. Абдуазимовни Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси этиб сайлади.

Шу билан иккинчи чақирққ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессияси ўз ишини якунлади.

Маълумки, ҳар йили Ватан ҳимоячилари куни олдидан оммавий-ватанпарварлик ойликлари ўтказиш хайрли анъана тусига кирган. Бу йил ҳам ушбу тадбирга пухта тайёргарлик қўрилди. Утган шанба куни шаҳримизда оммавий-ватанпарварлик ойлигининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Оммавий-ватанпарварлик ойлиги бошланди

Дастлаб мудофаага қўмақлашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгаши биносидида «Шоли Ватан тарихи» ҳамда «Кеча, бугун ва келажакда» музейлари фаолияти, унга қўйилган экспонатлар, спорт-техника кўргазмаларини тадбирга тақлиф этилган фахрийлар, меҳмонлар, «Ватанпарвар» ташкилоти аъзолари томоша қилишди. Сўнг спорт тўғрисида шугулланувчилар томонидан тайёрланган ракеталар учирди.

Оммавий-ватанпарварлик ойлиги очилишига бағишланган тадбирнинг асосий қисми эса Марказий офицерлар уйда бўлиб ўтди.

Тадбирни очар экан Ўзбекистон Мудофаага қўмақлашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгаши раиси, полковник Абдулазиз Абдуҳақоров иккинчи қаҳирлик Олий Махлиснинг тўққизинчи ва ўнинчи сессияларида Қуролли кучларимизни ислоҳ қилиш, ҳарбий хизмат нуфузини ошириш, профессионал армияни шакллантириш масалаларига муҳим эътибор қаратилгани, бу борада муҳим қонунлар қабул қилинганини таъкидлаган ҳолда, ушбу ойлиқни ўтказишдан мақсад ҳам ёшларимизни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда Ватан ҳимояси номидан фахрланиш туйғуларини шакллантириш, ҳарбий хизматга тайёрлаш эканлигини алоҳида қайд этди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Анвар Аҳмедов, МК «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент шаҳар Кенгаши раиси Назриддин Ризаматов, «Нуроний» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлимининг раиси Мухаммадхон Зуфаров, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, шаҳар бирлашган техника мактаби вакиллари ва бошқалар оммавий-ватанпарварлик ойлигида махсус дастур асосида амалга ошириладиган тадбирлар, учрашувлар режаси ҳусусида тўхталлиб, асосан нималарга эътибор қаратилиши юзасидан маълумот беришди.

Сўнг саҳнага спортнинг техник ва амалий турлари бўйича 2002 йилги шаҳримизнинг энг кучли спортчилари ва мураббийлари тақлиф этилиб, ёзи биатлон бўйича Республика чемпиони Анна Коробко, авиамодель бўйича Ўзбекистон чемпионати гойиб Дмитрий Попов, триатлон бўйича муҳир спортчи Николай Ильин, картинг бўйича чемпион Давид Ақоян, шунингдек мураббийлардан Виктор Собиров, Ма-

роат Юсупов, Наталья Ефимова ва бошқа кучли спортчи ҳамда устозларга шу йилги муваффақиятлари учун миннатдорчилик билдирилди, уларга мудофаага қўмақлашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент шаҳар кенгашининг эсдалик совғалари ва Фахрий ёриқлар топширилди.

Тадбир якунида «Ватанпарвар — Тўпчи» футбол клуби тарбияланувчилари томонидан тайёрланган дастур, Марказий офицерлар уйининг ашула ва ракс ансамбли ижросида Ватанга садоқат руҳидаги қўшиқлар, шўх рақслар йилгиланлар дилига хуш кайфият бағишлади.

Шуни таъкидлаш кераки, оммавий-ватанпарварлик ойлиги давомида шаҳар, туман мудофаа бўлими билан ҳамкорликда пойтахтдаги ҳарбий қисмлар ҳаёти билан ёшларни таништириш, МК «Ватанпарвар» ташкилотининг туман бўлимида келгуси авлодни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш юзасидан оқиб мулоқотлар, двра суҳбатлари, учрашувлар, кизиқари викториналар ўтказиш, спортнинг ўқ отиш, ҳаво жанги, картинг, радиотелеграф, автомобилли фигуралар бошқариш, денгиз учқурши ва бошқа техник ҳамда амалий турлари бўйича биринчиликлар, мусобақалар, музейларга экскурсиялар уюштирилади.

СУРАТЛАРДА: оммавий-ватанпарварлик ойлигининг очилишидан лавҳалар.

Дилмурод ИСМОИЛОВ

Сергей Любич олган суратлар.



Ўзбекистон кучлилар сафида

Хитойнинг Пекин шаҳрида Осиё футбол конфедерацияси ташаббуси билан 2004 йили Хитойда ўтадиган Осиё чемпионатида кураш ташлаш маросими бўлиб ўтди. Ҳар тўрт йилда ўтадиган ушбу нуфузли мусобақанинг саралаш учрашувлари икки босқичда ўтказилди. Шуниси эътиборлики, биринчи босқичда рейтингни нисбатан паст терма жамоалар беллашсалар, минтақанинг кучли терма жамоалари асосий саралаш босқичидагина қўшилдилар. Ўзбекистон терма жамоасига ҳам минтақанинг кучли жамоаси сифатида иккинчи босқичдан қатнашиш ҳуқуқи берилганлиги қувонarli ҳол албатта.

Шунингдек, Осиё футбол конфедерацияси қароргоҳи жойлашган Куала-Лумпур шаҳрида футбол бўйича навбатдаги олимпиада ўйинлари кураш ташлаш маросими бўлиб ўтди. Олимпиада мусобақаларида Осиёдан берилдиган 3 та йўллама учун даввоар терма жамоалар уч босқичли синновдан ўтадиган бўлишди. Ўзбекистон олимпиада терма жамоаси эса биринчи босқич мусобақаларида қатнашиш ҳуқуқидан озод этилиб, кейинги босқичдан Эрон — Мальдив ороллари олимпиада терма жамоалари гойиб билан кун шанашиди.

Хушxabар

Осиё футбол конфедерацияси қароргоҳи кура келгуси йилнинг март ойида Осиё чемпионат лигаси туринчи гуруҳидаги мусобақалар пойтахтимиз Тошкентда ўтказилди. Эслабт ёта-миз, ушбу нуфузли турнирда муваффақиятли қатнашиб мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келаётган Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси ушбу гуруҳда Эроннинг «Ферузи», Ироқнинг «Ал-талаба» ва Қирғизистоннинг «Ниса» жамоалари билан гойиблик учун кураш олиб боради. Умид қиламики, шаҳримизнинг бош жамоаси бундай қулай имкониятдан самарали фойдаланади ҳамда рақибларини енгади. Дарвоқе, пахтакорчилар ушбу нуфузли турнир олдидан яна бир мусобақада қатнашиш имкониятини қўлга киритишди. Яъни ҳар йили Россиянинг пойтахти Москвада ўтадиган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Кубогида Ўзбекистон шарафини бу сафар пойтахтнинг бош жамоаси ҳимоя қилади. Унда пахтакорчиларга Озарбайжон ёшлар терма жамоаси, «Каунас» ва Донецкнинг «Шахтёр» жамоалари рақиб бўлишади.

Ақбар ЙҮЛДОШЕВ

16 ДЕКАБРДАН 22 ДЕКАБРГАЧА:

16 декабрда:

◆ «Туркистон» саройида 16 декабрдан 20 декабргача хушовоз хонанда Азиза Ниёметованинг «Юрагимдан жой берман келсангиз» деб номланган янги концерт дастури намойиш этилади. Концерт соат 19.00 да бошланади.

◆ Муқимий номидаги Ўзбек давлат муслиқ театрида Ҳайдар Мухаммад асари «Кувёлар конкурси» спектакли соат 18.00 да намойиш этилади.

17 декабрда:

◆ Ўзбек Миллий академик драма театрида И. Содиков асари «Афандиннинг беш хотини» спектакли соат 18.00 да бошланади.

◆ Ўзбекистон Бадий академиясининг кўргазмалар залида таниқли расомлар Бҳрият Раҳмонов ва Ақмал Икромжоновнинг шахсий кўргазмалари намойиш этилмоқда.

18 декабрда:

◆ «Ўзқургазмасавдо» марказида 18 декабрдан 22 декабргача эл севган санъаткорлар, кизиқчилар ижросида янги йил катта шоу дастури соат 18.30 да намойиш этилади.

◆ Алишер Навоий номидаги Санъат саройида режиссёр ва муаллиф З. Мусоқовнинг «Осмондаги болалар» бадий фильми соат 11.00, 13.00 да ҳамда режиссёр С. Мухамедовнинг «Чаёнгул» бадий фильми соат 15.00, 17.00, 19.00 да бошланади.

19 декабрда:

◆ Муқимий номидаги Ўзбек давлат муслиқ театрида Т. Минулин асари «Алмандар уйланармиш» спектакли намойиш этилади. Томоша соат 18.00 да бошланади.

◆ «Зарафшон» ресторани концерт залида 19-20 декабр кунлари «Аъло» гуруҳи ижросидаги концерт дастури соат 19.00 да бошланади.

20 декабрда:

◆ Аброр Хидоятлов номидаги Ўзбек давлат драма театрида таниқли санъаткор Санъат Девонов ижодига бағишланган кеча соат 16.00 да бошланади.

◆ Ўзбек Миллий академик драма театрида С. Имомов асари «Эргинанинг орузи» спектакли намойиш қилинади. Томоша соат 18.00 да бошланади.

21 декабрда:

◆ Алишер Навоий номидаги Санъат саройида хушовоз хонанда Рустам Маҳмудов ўз концерт дастури соат 18.00 да намойиш этади.

◆ «Туркистон» саройида семвили хонанда Тохир Содиков бошчилигидаги «Болалар» шоу гуруҳи уч кун давомида ўз концерт дастури намойиш этади. Томоша соат 19.00 да бошланади.

22 декабрда:

◆ «Илҳом» ёшлар театрида «Студия IV» спектакль премьераси соат 18.30 да намойиш қилинади.

◆ «Зарафшон» ресторани концерт залида хушовоз хонанда Севара Назархон уч кун давомида ўз концерт дастури намойиш этади. Концерт соат 19.00 да бошланади.

ШАХМАТ ОЛАМИДА

Атама тарихи

«Гроссмейстер» сўзи биринчи мартаба 1838 йил 18 февралда Лондонда чиқадиган «Белла Пайф» газетасида инглиз мастери Уильямс Лёюсини томонидан тилга олинган. Гроссмейстер сўзининг маъноси немис тилида «Гросс» катта шахматчи деган маънони англатади. Аммо 1920 йилгача Европада донг бутун дунёга кетган машҳур шахматчиларни «маэстро» деб аташган. Кейинчалик ФИДЕнинг ташаббуси билан 1928 йилда «гроссмейстер» сўзи қонунга киритилди ва шахматда энг олий даражадаги унвон деб эълон қилинди. Бундай шарафли унвонга россиялик машҳур шахматчи Михаил Ботвинник 1935 йилда 24 ёшида эришди. Шунинг ҳам айтиб ўтиш лозимки, америкалик Роберт Фишер 15 ёшида, Гарри Каспаров эса 17 ёшида гроссмейстер унвонига сазовор бўлган, бу ўзига хос рекорддир. Ўзбекистонлик Рустам Қосимжонов бу олий унвонга 18 ёшида эришиб, ўрта осибликлар орасида ўзига хос рекорд қўйди.

Кум соатдан фойдаланилган

XIX асрнинг ярмигача шахмат ўйини пайтада вақтни белгилаш учун кум соатдан фойдаланилган. Кейинчалик Буюк Британияда механик шахмат соати пайдо бўлди. У биринчи марта 1883 йили Лондонда ўтказилган халқаро турнирда ишлатилган.

Ёзув ёрдамида

Муслика нотаси каби шахматда ҳам нотация мавжуд. У — а, b, c, d, e, f, g, h каби лотин ҳарфлари билан ифодаланади. Уни албатта илоҳи борича ёшлиқдан ўрганишга ҳаракат қилиш керак. Сабаби шундаки, рақибингиз билан уйнаган партияларни ёзиб борасиз. Машҳур, забардаст шахматчиларнинг уйнаган партияларини тахлил этишда қийналмайсиз, ютуқ ва камчиликлари ажрата олишда шахмат нотацияси сизга хамиша яқиндан ёрдам бериб туради. Нотацияни биринчи бўлиб суриялик шахматчи Ф. Стамма кашф қилган. У XVIII

асрнинг 20-йилларида Халаб (Алеппо) шаҳридан Лондонга кўчиб, ташқи ишлар вазирлигида таржимон бўлиб ишлаган. «Шахмат ҳақида» китоби эса 1787 йилда француз тилида чоп этилган.

Нега шундай деймиз?

Шахмат. Бу сўзнинг ўзига хос маъноси бор. У икки сўз — шох ва мотинг бирикмаси. Бу икки сўзнинг маъноси «Шох» форсча, «мот» арабчадир. Биринчиси «ҳоким», иккинчиси «ноилож», «енгилган» деган маънони англатади. «Шох» сўзи қадимда шарқ мамлакатларида ҳам, Фарбада ҳам рақибни оғоҳ этиш учун ишлатиб келинган. Шохда ҳимоя воситалари қолмагач, унга «Шох ва мот» эълон қилинган. Шахмат термини келиб чиқши ҳам бевоқифа шохнинг мот бўлиши билан боғлиқ.

Анвар ИНОКОВ, шахмат бўйича спорт усталигига номзод, журналист.

САЛОМАТЛИК

Камқонликнинг олдини олиш чоралари

Камқонлик (анемия) асосан туғруқ ёшидаги ва ҳомиладор аёллар, мактаб ва мактабгача ёшдаги болаларда кўп учрайдиган, соғлиқни сақлаш тизимининг асосий муаммоларидан бири ҳисобланади. Бундай касаллик билан ривожланаётган мамлакатларнинг ярмидан кўпи, асосан аёллар ва кичик ёшдаги болаларнинг катта қисми азият қилмоқда.

Камқонлик сабабини тушунириш, бу муаммоларнинг қучуригига ахамият бериш ва учун олдини олиш хозирги куннинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Камқонликнинг асосий сабаблари — тўлиқ бўлмаган оқватланиш — организмда оқсил, темир ва дармондориларнинг кам миқдорда қабул қилиниши — сурункали қон йўқотишлар — кўп ва узок вақт

хайз кўриш, тез-тез ҳомиладор бўлиш ва туғиш, ошқозон ичакдан қон кетиш; гипохлоремия, сурункали инфекциялардир. Темир танқислиги натижа-сида вужудга келувчи камқонликнинг олдини олиш чора-тадбирлари куйидагилардан иборат.

Бирламчи профилактика — соғлом ҳаёт тарзини тарғибот қилиш; рационал оқватланиш. Иккиламчи профилактикага эса камқонлик қайталанганининг олдини олиш бўйича тадбирлар, қон йўқотиш сабабини бартаф қилиш; темир моддаси ёки унинг тузаларини қўллаш; оқват маҳсулотларини (ун, нон, ун, ун бошқалар) темир моддаси билан бойитиш керак.

Темир танқислиги анемияси ёки алиментар анемияда рационал оқватланиш омили муҳим ўрин тутаяди.

«ЎТ» БАЛОСИДАН САҚЛАНИШ

Республкамизда қурилишлар ҳажми ва суръатлари жадаллашиб бормоқда, механизациялаш даражаси юксалмоқда, қурилиш-монтаж ишларининг технологияси ва ташкил этилиши такомиллашмоқда. Шунинг таъкидлаш кераки, мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини ташкил этувчи барча нарсалар халқ мулкидир ва ёнганлари ишончли тарзда сақланиши талаб этади. Шу сабабдан қурилиш, қайта таъмирлаш, бино ва иншоотларни техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ёнғиндан сақлаш масалаларига жиҳдий ахамият берилади.

Қурилишда қоидаларга эътибор берайлик

Қурилайтган ва тикланаётган объектларда ёнғин хавфсизлиги талаблари рия қилинишини назорат қилиш давлат ёнғиндан сақлаш назорати органларининг муҳим вазифаларидан биридир, чунки бино ва иншоотларнинг ёнғиндан сақланиши асослари уларни лойиҳалаш, қуриш ёки тиклаш давомида яратилади. Янги қурилишларда эса ёнғин чиқиш хавфи сақланиб қолади. Қурилишда ёнғин хавфсизлигини таъминлашнинг асосий масалаларига қуйидагилар кираяди: ёнғиннинг олдини олиш; ёнғиннинг тарқалиш доирасини чеклаш; унинг тугаллинишини таъминлаш; одамлар, ҳайвонлар ва мол-мулк хавфсизлигини таъминлаш

учун конструктив ва ҳўжалик режавий қарорларга кўра эришиш мумкин бўлган шароитлар яратиш. Ёнғин чиқишига қарши кураш ва қурилиш конструкцияларининг зарурий даражадаги ёнғинга чидамлилиги масалалари муҳим, конструктив йўналишлар каторига кираяди. Юзага келиши мумкин бўлган ёнғин зарарини қамайтириш ва одамларнинг хавфсиз жойга кўчирилишини таъминлаш учун ёнғинга қарши тўсиқлар, тутунга қарши қурилмалар муҳим ахамият касб этади.

Янги қурилишдаги ёнғин хавфи қурилиш объектининг ўтга чидамлилиги, қурилиш майдончасидаги ёнғин хавфининг қурилиши ва микдори, иссиқлик берувчи қурилмалар ва электр қуввати кучланиш остидаги жиҳозларнинг қўлланилиши, электр-газ пайвандлаш ишларининг ўтказилиши даражаси билан белгиланади ва кўп жиҳатдан қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда, ёнғувчан материаллар ва суяқлиқлар сақланишининг таъминлиги этилиши ёнғин хавфсизлиги талаблари рия этилишига боғлиқдир. Янги қурилишларда қўллана ёнғин чиқишининг сабаби оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш (чеккиш, гулкан ёқиш ва шу каби) жиҳозлар ва иситиш асбобларидан фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузишдир.

Ёнғин юзага келмаслиги учун қуйидаги хавфсизлик қоидаларига қатъиян рия қилиш керак:

Соғлом бўлиш ва камқонликнинг олдини олиш учун кўп ҳаракат талаб этилмайди, фақатгина темир моддасига бой бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш керак.

Масалан: гўлш ва баланд организмга осон сўриладиган темир моддаси мавжуд. Бу моддалар витамин ва минерал элементларга бой оқватлар билан бирга истеъмол қилинганда темир моддаси яхши сўрилади. Ловия, жўжори, нўхот, мош ҳам темир моддасига бой маҳсулотларни ҳисобланади, лекин улардаги темир моддаси организмга қийинроқ сўрилади. Шунинг учун бундай озиқ-овқатларни, С дармондорига бой бўлган озиқ-овқатлар (сабазавотлар, мева ва қўкатлар) билан тановул қилиш керак.

Камқонликнинг олдини олишда озиқ-овқат маҳсулотларини (ун, нон, туз) темир

моддалари билан бойитиш хозирги кунда бутун дунё олимлари томонидан тан олинган назариядир ва бу амалиётда кенг қўлланилмоқда.

2-Тошкент давлат тиббиёт институтининг бир неча йилдан бери «Ўздонмаҳсулот» корпорацияси ходимлари билан биргаликда ун ва нон маҳсулотларини темир препаратлари билан бойитиб, бир неча нон ва қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқардилар. Хозирги кунда темир препаратлари билан витаминлар билан бойитилган «Темирли-нон» ва бошқа нон маҳсулотларини шаҳримизнинг нон дўконларидан харид қилишингиз мумкин.

Гулинон ШАЙХОВА, 2-Тошкент давлат тиббиёт институтининг «Болалар ва ўсимлар гигиенаси» кафедраси мудири, профессор.

Барча қурилайтган ёки вақтинчалик биноларга эркин олиб борадиган йўл таъминлигини керак. Барча йўллар, йўлаклар, ёнғин гидрантлари, сув хавзалари фойдаланишга яроқли бўлиб, уларга олиб борадиган йўл очиб қилиш керак. Кечки пай эса улар ёритилиши керак.

Қурилайтган бинолардаги вақтинчалик омборлар Давлат Ёнғинга қарши назорат маҳаллий органи билан келишилган бўлиши керак.

Ёнғувчан қурилиш материаллари қурилиш майдончасида қурилайтган ва вақтинчалик ёрдам бинолардан 30 метрдан узоқда бўлган масофада сақланиши керак.


Хизмат-машиини вагончаларни иситишда автоматик термо регуляторли заводда тайёрланган электр иситкичлардан фойдаланиш мумкин.

Қурилишнинг кўзга кўринarli жойларида, ёнғувчан материаллар ва суяқлиқлар омборларида ёнғин хавфсизлиги белгиларини осиб қўйиш керак.

Ёнғин юзага келганда «01» рақамли телефон орқали зудлик билан ўт ўчирувчилар чақирилади ва улар етиб келгунча ёнғиндан чеклаш тадбирлари амалга оширилади.

Жалол АСКАРОВ, Миробод туманининг ИИБ ЕХБ инспектори, ички хизмат майори.

Маҳоратингизни синаб кўринг



1) Икки юришда мот.

2) Уч юришда мот.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳридаги корхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари ДИҚҚАТИГА!

1. «Тошиссиққуввати» ишлаб чиқариш бирлашмаси шунинг маълум қиладики, энергия ташувчи муҳитнинг нархи ошганлиги муносабати билан 2003 йил 1 январдан корхоналар ва ташкилотлар учун иссиқлик энергияси баҳоси (тарифи) ҚҚС инобатга олинмаганда 5688,60 сўм/Гкал, ҚҚС билан 6826,32 сўм/Гкал қилиб белгиланди (Тошкент шаҳар ҳокими Маҳаммади Молия бош бошқармасининг 2002 йил 13 декабрдаги 442-ТГ-2002 — рақамли реестридан кўчирма).

2. «Тошиссиққуввати» ИЧБ Тошкент шаҳар аҳолисига маълум қиладики, 2003 йил 1 январдан иситиш ва иссиқ сув таъминотига қуйидаги ойлик тариф (нарх) белгиланди: марказий иситиш — 1 квадрат метр турар жой майдонига 67,95 сўм; иссиқ сув таъминоти: — улчаш асбоблари бўлмаганда — 1 кишига 960,79 сўм; — улчаш асбоблари бўлганда — меъёр чегарасида 1 куб метр учун 213,94 сўм — меъёрдан ортиқ истеъмол қилинганда 1 куб метр учун 329,14 сўм.

«ТОШКЕНТ ИССИҚЛИК МАРКАЗИ» ОАЖ

шунинг билдирадигани, Тошкент шаҳар ҳокимлиги Молия Бош бошқармасининг буйруғига мувофиқ жамиятдан бериладиган иссиқлик энергияси тарифи 2002 йил 28 декабрдан 1 Гкал иссиқлик энергияси учун қўшилган қиймат солиғисиз 3561,06 сўм қилиб белгиланади.



Бош муҳаррир
Ақмал АҚРОМОВ
Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри
Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39.
факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
4531 нусхада босилди. Қўғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Газета «Тошкент оқшони»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.